

“Hududiy elektr tarmoqlari” акциядорлик жамияти
Ягона акциядорининг
4 -сон қарори

2021 йил 24 июнь

Тошкент шаҳри

“Hududiy elektr tarmoqlari” АЖ томонидан чиқарилган ва жойлаштирилган акциялар 84 680 814 487 донани ташкил этади.

“Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг барча овоз берувчи акциялари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тегишли бўлиб - “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг Ягона акциядори ҳисобланади.

Ушбу қарор Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 58-моддасига асосан қуйидаги масала юзасидан қабул қилинди:

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Арипов бошчилигида 2021 йил 7 июнь куни Вазирлар Маҳкамасида ўтказилган йиғилиш баёнида (2021 йил 11 июнда 02/1-716-сон рақам билан рўйхатга олинган) берилган топшириқлар ижросини таъминлаш.

Қун тартибидаги масала юзасидан:

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Арипов бошчилигида 2021 йил 7 июнь куни Вазирлар Маҳкамасида ўтказилган йиғилиш баёнининг (2021 йил 11 июнда 02/1-716-сон рақам билан рўйхатга олинган) 17-бандида айрим акциядорлик жамиятларнинг корпоратив харидлар бўйича масъул ўринбосарларини лавозимидан озод этиб, ушбу вазифани уларга вақтинча юклаган ҳолда **3 ой давомида** синовдан ўтказиш ҳамда белгилаб берилган вазифаларнинг ижросини таъминлаш натижалари асосида уларни лавозимга қайта тайинлаш топшириғи берилган.

Шунга кўра, Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 59-моддасига мувофиқ “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг Ягона акциядори қун тартибидаги масала юзасидан **қарор қилади:**

1. “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖ Бошқарув раисининг харидлар бўйича масъул ўринбосари Аскарлов Асроржон Акрамович билан тузилган меҳнат шартномаси ўз ихтиёрига асосан бекор қилинсин ва ушбу лавозимга 3 ой синов муддати билан вақтинча вазифасини бажарувчи сифатида тайинлансин.

2. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖ Кузатув кенгаши раиси зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирининг
биринчи ўринбосари



О.Насритдинходжаев